

ЎЗБЕКИСТОН

Элим деб, юртим деб

ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 8 ноябрь, chorshanba. №87-88 (14370)

Ислом КАРИМОВ:

Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги энг улуг бойлигимиздир.

БИЗ КИММИЗ?

УЛКАН
МАЪНАВИЙ
МЕРОС



Аслиддин БОЈИЕВ,
Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши масъул котиби

ВОРИСЛАРИМИЗ

Билимга чанқоқликда, зеҳн-заковатда ўзбек ёшларининг ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ.

Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига бўйсундиришни истаган кучлар шу халқнинг ўзлигидан, тарихидан, маънавий-маданий меросидан жудо қилишга интиланган. Узоққа бормайлик. Миллатимизнинг мустақилликка эришгунга қадар бўлган қарий бир юз ўттиз йиллик тарихи шундан далолат эмасми? Соҳибқирон бобомиз Амир Темурни бизга қандай қилиб кўрсатишган эди? Замахшарий, Нақшбандий, имом Бухорий ва Мусо Хоразий, имом Термизий ва ал-Фарғоний, Бурхониддин Марғиноний ва имом Мотурудийдек улуг алломаларимиз борлигини, улар қолдирган улкан маънавий меросни бугунги кундагидек яхши билармидик? Урта мактабда, Олий ўқув юртида уларнинг асарларини ўрганармидик? Фитрат, Усмон Носир, Авлоний, Бехбудийни бизга қандай танитишган эди? Миллатимиз шундан қуршган Жалолддин Мангуберди, Темури Маллик, Маҳмуд Таробийлар кўрсатган қаҳрамонликларни бизга ибрат қилиб кўрсатишармики? Асло йўқ. Халқнинг онгу шуурига ўзга, гайринисоний гоғлар асосида шаклланган ёт мафурани синдириш, миллатимиз тарихини бузиб қўратиши, сохташтириш, шарофли ўтмишимиздан жудо қилишга уриниш одат эди ўша даврларда.

Лекин ҳеч бир замонда ўзбек бир бутун миллат, халқ сифатида ўзлигини, бетакор тарихини йўқотган эмас. Юрбошимиз таъкидлаганидек, «**Биз ҳақон майдонда кўни кеча пайдо бўлган халқ эмасми?**» ўзбек халқи қадим «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, бетакор тарихи билан яшаб келади. Қадим тарихий илдиришимиз, динимиз, тилимиз, урф-одат ва ҳадриятимиз, ўзига хос маданиятимиз шундан далолат беради.

Биз киммиз? Ота-боболаримиз ким бўлган? Кеча ким эдигу бугун ким бўлди? Бу саволларга бундан ўн-ўн беш йил олдин бугунгидек фахр ва ифтихор, қатъий билан жавоб бериш оларимиздик?

Ўйлаб қарасак, дунё тамаддунига бармоқ билан санарили миллатлар нуносиб ҳисса қўшгани билан фарқлиниши шунки. Ўзбек халқи мана шундай фарқланган халқ! Биз ўзимизни ҳамisha илтифат тўқ мустақил миллат сифатида ҳис этиб келганмиз. Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор. Мен бу ерда муҳим бўлган уч жиҳатни назарда тутияман:

Биринчидан, буюк Шарк мутафаккирлари дейилса-да аслида шарқ гарбинг, бутун инсониятнинг таракқиётига улкан ҳисса қўшган улуг алломалар ворисларимиз.

Иккинчидан, Ўзбекистон халқи минглаб йиллар давомида барпо этилган улкан маънавий мерос билан фарқланади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шахрисабз, Термиз шаҳрининг ноёб ёдгоруқлари, қўлаб асоратқиларимиз бутун башариатнинг бебаҳо мулкидир.

Учинчидан, Оллоҳ назари тушган жаннатмакон, мафтункор табиятга эга бўлган юртва эгамиз. Азалий буюқлик ва саодат маскани бу - Ўзбекистон!

XXI асрга шахдам қадам қўётган янги авлод вакилларининг - биз ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз.

Биз келажак ёшларимизники, деймиз. Албатта, шундай. Бутун мамлакатимиз ички ҳаётда амалга оширилётган хайрли ишларнинг барчаси ёшларимизнинг фаровон, бахт-саодатли ҳаёт кечирishi таъминлашга қаратилган. Узоққа бормайлик. Биргина таълим тизимини олайлик. Замонавий касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, янги-янги олий ўқув юртилари - буларнинг барчаси ёшларимиз учун мунтазирдир. Бугун «Умид» жамғармаси орқали Европа, Осиё ва АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқитган ўғил-қизларимизга ким ҳавас қилмайди дейсиз?

Давлатимиз раҳбарининг «Куч — билим ва тафаккурда», «XXI аср интеллектуал авлод асри бўлади» дея таъкидлаганлари беҳиз эмас. Янги асрда бу тамойил янада кучайиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳаларини қамраб олиши, умимини йиллик ақлзаковат ва маънавий салоҳият асри бўлиши табиий. Шундай бир шароитда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Таълим тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши жамиятимизнинг потенциал кучларини рўйбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Юқорида биз илтифат тўқ, бакуват миллатимиз, дедик. Билимга чанқоқликда, зеҳн-заковатда ўзбек ёшларининг ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Энди шундай бир катта имкониятлар берилган, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилаётган бир пайтда биздан фақат тиришқоқлик, бор куч-гайратимизни, интеллектуал салоҳиятимизни ишга солишимиз талаб этилади. Буюк аждодимиз Абу Райҳон Берунийнинг «**Ота-боболарнинг суякларини қилган ишларини билган маърауларини**» ўзинга ўзинга «**буни оёғи тоғи**» деган ҳикматли сўзлари ҳар бир ёшнинг, ватанпарвар фуқаронинг қалбига жо бўлиши керак.

Дарҳақиқат, боболаримиз айтган улуг фикрлар ўз замони учун долзарб эди. Ҳозир янги аср арафасида турибмиз, яъни бутунлай бошқа муҳит, янги ҳаёт шартлари даври. Биз ҳозирги жўшқин, тезкор, мафкуравий, интеллектуал технологиялар торттишувлари кечяётган янги замонда яшаймиз. Демак, ўтмишда боболаримиз айтган дурдона фикрларни едимизда, маънавийтимизда сақлаб, ишда, иш-лаб чиқаришда жўшқин янгиликлар қилишимиз зарур. Тарих - сабоқ, деймиз. Аслида тарихга муносабатда бизнинг ҳозирги, эртанги максалларимиз, буюк Ўзбекистонни куришимиз учун фойдали нарсаларни, амалда фойдали фикрларни олишимиз даркор. Бугунги муаммоларни ечишга жавоб тариқда бўлмасда, илм йўли билан ўзимизга жавобини топиб, Ватанни тезкор оқсаттиришимиз зарур. Чунки тарихий кадрларимиз туреди, ўзгармайди. Улар бизники. Биз янги, ўзимизда йўқ нарсаларга эришишимиз керак. Бунинг мафкуравий аҳамияти катта. Чунки одам ўзида бор нарсани ташқаридан изламайди. Узида йўқ, лекин бўлишини истаган кадрлар учун меҳнат қилади, изланади. Бинобарин, ўтмишда маърифатли дунё бизнинг буюк алломаларимизни қанчалик иззат-ҳурмат қилиб эъзозлаган бўлса, «йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтирсизлик кайтадан кўлга киритишимиз керак». Ана шунда Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё турғунча туражақ!



МУСТАҚИЛЛИК КАШФ ЭТГАН ЮЛДУЗ

Ўзбек санъатини ҳозирда бутун жаҳон тан оляпти. Тан олинаётган санъатимизни эса Юлдуз Усмоновасиз тасаввур қилиш қийин. Унинг овози дунёнинг ривожланган мамлакатлари — Голландия, Германия, Франция, Буюк Британия, Туркия... ларда янграпти...

Саҳналарда ўзбек қизининг ўзбекча қўшиқлари хорижликлар қалбига чуқур из қолдирмоқда. У билан бирга қуйлашяпти... Фахрланмай бўладими? «Ўзбекистоним!» дея қуйлаётган ҳофизини унинг тимсолида Ўзбекистонни, ўзбек халқини бутун дунё танийди... Дунё тан олади... Ёзув тасмаларида буюртма берилади. Қўшиқчига, умрини санъатга бахшида қилган ҳофизга бундан ортиқ БАХТ



бўлмаса керак. Чиндан-да у саҳна учун, санъат учун дунёга келгандай... Унинг қўшиқлари юракдан чиқади.

Қўшиқларида бутун миллатнинг дарди бор... Шунданми ҳофиз ўртаниб қуйлайди.

«КАМОЛОТ» xabar beradi:

Яқинда Қашқадарё вилояти бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзоди кўрсатилган иқтидорлилар танлови бўлиб ўтди. Унда Шаҳноза Холмаматова (санъат), Малика Эшмонова (адабиёт), Нилуфар Ёрматова (таълим), Азиза Набиева (маданият), Гулрух Озимова (фан) йўналишлари бўйича голиб деб топилди, республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Қашқадарё вилоятида нодавлат, нотижорат ташкилотларининг «Мехр» бирлашмаси тuzилди. Бирлашманинг мақсади хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этишларини таъминлашдан иборатдир.

Аббос ДУЛАНОВ

«Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси, Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комил Юсуфов Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Факултетида ва муҳтор элчисининг маданият ва спорт бўйича ўринбосари Х.Н. Чўшен жанобларини қабул қилди. Қабул жараёнида ўзбек курашини Хитой Халқ Республикасида тарғиб қилиш ҳақида фикр юритилди.

Сайёб ЖўРАЕВ

Шу йилнинг 9 ноябр куни Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси «Ёшлар телеканали» билан ҳамкорликда «Буюк келажакка ишон» мавзуйда ёшлар мунозараларини ўтказди. Ушбу мунозараларда эллиқ кишидан иборат фидойи ёшлар гуруҳи иштирок этади. Мунозарани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад Миллий истиқлол асосини, мафкурасини, миллий ифтихор туйғусини ёшлар қалбига синдиришининг янгибта, таъсирчан усулларини, тарғибот механизмини топиш ва жорий этишидир.

Акбархон МАГДИЕВ

Sud zalida ТЕРРОРЧИНИНГ ГҲЛОҲИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12 нафар айбланувчи устидан давом этаётган суд жараёнида илгари судланган ва ҳозир жазо муддатини ўтаётганларнинг гувоҳлик кўрсатмалари бериши давом эттирилди.

«Ўзбекистон исломий ҳаракати» деб аталмиш террорчилар уюшмасининг раҳбарларидан бири - Тоҳир Йўлдошевнинг «ташқи ишлар вазири» ҳисобланган Зайниддин Асқаров ўз кўрсатмаларида Тожикистон ва Афғонистонда яшириган жиноятчилар хориждаги ҳомийларидан катта миқдордаги пул маблағлари, қурол-яроғ олиб турганини ва бевосита халқаро террорчи Усома бин Лоден билан боғлиқлигини маълум қилди. Т.Йўлдошев, Ж.Ҳожиёв хорижий мамлакатлардаги турли фундаменталистик исломий ҳаракатларнинг фаолиятини мувофиқлаштурувчи мафхвий ташкилотга аъзо бўлиб, мазкур марка раҳбарларидан 1998 йилда Ўзбекистонда «жиходни бошлашга» «фатво олгани» ислом экстремизмининг муайян бошқарув маркази мавжудлигидан далолат беради.

З.Асқаровнинг айтишича, ўзини «демократик муҳолифат раҳбари» деб жар солиб, хориждаги турли ташкилот ва ҳомийларни лақиллатиб пулини олиб юрган Салой Мадаминов (Мухаммад Солих) аслида Тоҳир Йўлдошевнинг югурдагига айлиб қолган. Бундай товланмачиликлар учун Т.Йўлдошев уни ҳатто жазолаган ҳам, яъни маълум муддат ўчоққа ўт ёқувчи-гўлоҳ қилиб қўйган. Умуман, мазкур жино-

ий гуруҳ раҳбарлари ўртасида ҳокимият ва обрў таллашиш авж олган бўлиб, бу йўлда улар ҳар қандай қабиҳликлардан ҳам тоймаганлар.

Шунингдек, гувоҳ Т.Йўлдошев, Ж.Ҳожиёв ва С.Мадаминов Ўзбекистонда ҳокимиятни эгаллаш борасида узоқ муддатли режалар тузгани, Тошкентдаги февраль воқеаларидан кўзланган мақсад амалга олмагач, террорчилик ҳаракатларини олиб бориш услуби ўзгартирилгани, Боткен, Сурхондарё, Янгиобод ва Бўстонлиқдаги воқеалар бунинг натижаси эканини айтди.

Андижонлик тижоратчи Рустам Маматқулов Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида Ўзбекистондан келганларни «Тоҳир Йўлдошевнинг хузурига жўнатувчи марказ» ташкил қилган. У Т.Йўлдошев билан Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва Эронда учрашиб, катта миқдорда пул олган ва бу маблағни Ўзбекистондан қочган жиноятчиларни яшириш, қалбаки ҳужжатлар тайёрлашга сарфлаган. 16 февраль порташларининг бевосита ижрочилари айнан Р.Маматқулов ёрдамида хорижда қочирилгани ва улар Т.Йўлдошевга бевосита алоқадорлиги ҳам суд мажлисида маълум бўлди.

З.Асқаров ва Р.Маматқулов Туркияда Интерпол томонидан қўлга олинди, Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширилган.

Суд жараёни давом этмоқда.

(ЎЗА)

ФИКРИ ТЕРАН ЁШЛАР

Истиқлол даврида зеҳни ўткир, шахсий манфаатини Ватан манфаатлари билан уйғунлаштирган навқирон авлод камол топди. Бизнинг коллежимизда ҳам ана шундай илмга чанқоқ, қалби уйғоқ, иқтидорли ёшлар таҳсил олмақда.

Коллежимиз ўтган йили ишга туширилган. Ҳозир билим юртимизда 312 нафар йигит-қиз таълим олмақда. Уларга ўз касбини фидойилари бўлган 38 нафар мураббий сабоқ бермоқда. Дарслар замонавий техника усқуналари, жумладан компьютер, телевизор, видеомагнитофон, мультимедиа компьютерлари билан жиҳозланган хоналарда олиб бориляпти. Билим юртида реклама фаолияти, умумий овқатланиш кичик технологи, уй-рўзғор буюмлари, газ ва электр жиҳозларини таъмирлаш устаси, радио техника ва телеаппаратуралардан фойдаланиш ва таъмирлаш устаси, бухгалтерия ҳисоби йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.



Муҳиддин МАМАТХОНОВ,
Андижон шаҳар маиший касб-ҳунар коллежи директори

Turkmanistondan maktub

«ЎЗБЕКИСТОНИМИНИ СОҒИНДИМ»

Азиз Ватаним, ватандошларим!
Мен ушбу хатни Туркманистон Республикасидан ёзмақдаман. Асли Ўзбекистонда туғилиб-ўсган бўлсам-да, ўн беш ёшимда тақдир тақозосида туфайли қилшоғимдан, Ўзбекистонимдан кетганман. Энди йиллар ўтиб ўйлаб қарасам, ўшанда чуқур ўйлаб кўрмаган эканман.

Азиз Ватаним, мен Сени ҳеч қачон унутмадим — тушларимда кўрдим. Фидойи Юртбошинг билан Мустақиллик байрамини нишонлаганимда узоқдан туриб севиндим. Тушқунликка тушганда, Абдулла Ориф, Эркин Воҳидов, Мухаммад Юсуфнинг шеърлари, Юлдузоним Усмонованинг овозлари менга доимо руҳий мадад берди.

Йиллар давомида кучоғинга қайтиб бораман, деган орау билан яшадим. Лекин тақдир тўлқинига қарши кураша билмадим.

Эшитдим, хоинлар чегарангдан ўтиб тинчлигингни бузибди ва қилмишларига яраша ўз улушларини олишибди. Мен сенинг кучоғингдан чиқиб кетаётганда туғилган ўғлонлар энди чегарангни қўриқлаётирлар...

Шу шеърим сенга соғва, азиз Ватаним!

Балки кечирарсан нодон қизингни,
Кечирмасанг, қўзимда ёшим.
Балки насиб бўлиб яхши кунларда
Кўришсак, онамдек силарсан бошим.

Сенинг ҳаловатинг бузилган кунлар,
Яшадим олисда хавотирда ман.
Дунёни ўйладим тинчлигингни деб,
Сенга тинчлик тилаб илтижадаман.

Гулжамол
МОЛАБОВА,
Туркманистон
Республикаси
Мари шаҳри

ХАЛҚ НАФРАТИ — ЭНГ ОЛИЙ ЖАЗО

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Эзуликнинг ҳам, ёвузликнинг ҳам чегараси йўқ, зеро инсон табияти побисиздир. Яхшиликнинг тоғдеги ҳам оз, ёмонликнинг зинирдеги ҳам кўп. Нега десангиз, эзуликдан эл-юрт баҳра олса, ёвузликдан озор тортади.

Шу кунларда бутун халқимиз катта шикоят-эътибор билан кузатаётган, Республика Олий судида 1999 йил 16-февраль воқеаларини ва Ватанчимизга, халқимизга қарши ўнатирилган ундан кейинги қатор жиноятларни содир этганликда айбланаётган бир гуруҳ — ўн ўн нафар шахс устидан давом этаётган суд жараёни ҳеч кимни, айниқса ёшларимизни, бефарқ қолдираётгани йўқ. Турли ёшлар жамоаларида, ўқув юрталарида йиғинлар ўтириб, ёшларимиз жиноятчиларга нисбатан уларнинг кескин муносабатларини билдиришмоқдалар.

Мамакатимиз ҳудудда қарийб ўн йил давомида энг ёвуз жиноятларга қўл урган кимсаларга нисбатан муносабат яна қандай бўлиши мумкин? 16 февраль воқеаларида ўз жигарбандидан айрилган муштарип опанинг алам ва нафрат сўзларини эшитганда ҳар қандай тош юракларга ҳам титроқ кирди. "Воқеа жойидан укамнинг елти бармоғи ва икки товонини зўрға тўра олади. Унинг ҳам битмаси — товонларнинг бири укамнинг товонига унча ухшамас экан. Савоб бўлади деб, уни ҳам темир тобутга қолиб, тупроққа топширади".

Шундай ёвузлик содир этганлар инсон деган муқаддас номга муносивми? Уларнинг ўзлари ҳам шундай қургуликка лойиқ эмасми? Улар қилмишларига, қабилликларига яраша қонуний жазо олишлари керак эмасми?

Ойна жохон орқали кўради, жабрланган юртдошларимиздан бири, темир қафасда ўтирганлар дўппи кийиб олибди. Уларга дўппи ҳам ҳайф. Дўппини ҳам кунгаги тоза, нияти пок одамлар кийди. Бу шайқатсиз кимсалар ўзбек деган номга муносиб эмас, дея қуюниб гапирар-ёкан, унинг сўзларида неча-неча бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган, неча-неча ватандошларимизни яқинларидан, уй-жойидан мосува этган, давлатимизга қанчадан...

Шу йилнинг 11 августидан кун жиноятда иссиқ бўлди. Сарносие ва Узун туманлари тоғларида олиб борилаётган жанглар ҳам бизангандан қизиқ борарди. Ватанфуруш газандалар галалари жангчиларимизга жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатмоқда эдилар. Улар эгаллаб турган марра томон йўл олган йигитларимизнинг сардори Юнусжон Охуновдан анча-гача дарик бўлмади. Ниҳоят пастликда жойлашган бўлима штабидати рация тилга кирди:

— Командир, командир... - ҳансираган товуш билан деди Юнусжон, — биз Эломон, Дониёр учаламиз яттиқ яраландик. Ҳозир ёрдамга келаман деб овозра бўлманглар. Улар кўпчилик. Снайперлари бор... Биз касамедга содиқ қолдик. Ота-оналаримиздан, оила аъзоларимиздан хабар олиб туринглар. Жангчи сўнги жумлани шунчалик ёниб-қуйиб айтдики, эшитанлар уни ҳали-ҳануз

сонийлик қиёфасини йўқотиши мумкин, деган хулосага борасан, киши. Айбланаётганларнинг ҳолатини кузатиб туриб, уларга нима етишмас эди, улар нилмани исташар эди, деган савол қилишни ўйлантиради. Осонгина бойимоччи, айш-шарптада яшамоччи бўлишми? Ўз халқининг, атрофдаги кишиларнинг бесаранжомликларини эвазига-я... Аслида ҳар бир инсон, дини, миллатидан қатъий назар, ўз орзу-умидлари, ҳалоқ меҳнати ва тинчгина ҳаёти билан болачақлари даврасида осуда яшашни истади. Шунинг учун инсонга тинчлик керак. Бугун одил

“ОНАЛАР ФАРЁДИ КЎР ҚИЛСИН УЛАРНИ!”

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нейматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ: — Юрт меҳри, Ватан қадрини ҳис қилмаган кўрнамак, хоинлардан фақат нафратланиш мумкин. Она тупроғимизга бир туп дарахт ўтказиш ўрнига унинг забардаст ўғлонларидан жудо қилиб, ўзларининг тубан, чиркин мақсадларига эришмоқчи бўлган ватангадолардан ҳар қанча газабланиш ва жирканиш ўринлидир. Бировларнинг ногорасига ўйнаб, ёшлар фикрини чағалтиришмоқчи бўлган бузғунчиларга ҳар қанча жазо берилса ҳам камлик қилади. Бу ваҳшиларнинг барини Ватан ҳимояси йўлида шаҳид бўлган навқирон фарзандларимизнинг охи, уволи урсин. Оналар фарёди кўр қилсин уларни! Керак бўлса, мен ёши бир ерга бориб қолган кекса ҳофиз ҳам юртим учун, она тупроғимнинг ҳалоллигини сақлаш учун жон-жаҳдим билан курашишга тайёрман!

Шоира ҲАСАН қизи ёзиб олди



Ислом ҚАРИМОВ: Эй, улуг Ўзбекистоннинг навқирон авлоди! Сизнинг бу ҳаётда орзу-интилишингиз, кўзлаган мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп. Лекин, ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифангиз — юртимиз истиқолини, халқимиз эрқу озодлигини кўз қорачиқдай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир.

суа сўроқларига жавоб бераётганлар эса нимадан вилоятда норасмий бўлиши мумкин? Ўзбекистон билан мақсадга етмоқчи бўлганларнинг барча-барчасининг номи тарихда қора бўлиб, ланатларга сазовор бўлиб қолган-ку. Мустақил аунёқараш, оқни оқ, қорани қорага ажрата олиш салоҳияти йўқлиги, шундай қобилият шаклланмаганилиги боис мўрт ёшлар нияти ёвуз кимсалар қўлида қўрғоққоққа айланади қолган.

Суд жараёнини кузатар эканмиз, биз ёшлар учун икки хулоса келиб чиқади. Бири огоҳ ва хушёр бўлиш. Мазкур воқеалар тақрорланмаслиги, ўйлини йўқотган айрим тенгдошларимизнинг бош эгиб қолмасликлари учун ҳам огоҳ бўлишимиз лозим. Яна бир хулоса — тинч ҳаётимизни, осуда турмушимизни ҳимоя қилиш, шу учун жонини фидо қилишга тайёр бўлишимиздан иборатдур.

Яна бир энг муҳим хулоса — мустақиллигимизга, чегараларимиз дахлсизлигига, Ватанчимиз тинччилигига раҳна соломқоқ бўлганларни шундай қисмат кутиши шубҳасиз!

СОДИҚ СУЛТОН

қўзда ёш билан эслашади: — Ўзбекистонни бу ифлосларга бериб қўйманглар, командир. Алвидо...

Юнусжоннинг ҳали ўн гулдан бир гули ҳам очилмаган эди. У ва жанговар дўстлари Эломон ва Дониёрларнинг жасадларини душман ўқи остида фақат бир кундан кейингина жанг майдонидан олиб чиқишга муваффақ бўлдилар. Юнусжон Фарғонанинг Учқўприғидан эди. Орзу-умидлари катта эди йигитнинг. Лекин Ватан сарҳадларининг оёсинишалиги учун бўлган жангда бир сония бўлса-да ўйлаб ўтирмади, ўзини ўтга урди. Оддий мактаб ўқитувчисининг ўғли сўнги томчи қони қолгунча курашиб жон берди. Наманганликлар "Олтин водий" ёшлар марказининг директори Абдуллажон

«ЙИҚИЛГАН КУРАШГА ТҲЙМАС...»

Ўзбекистон Миллий Қаратэ федерацияси президенти Нурхон НАҲАСОВ:

“Кўрқоқ олдин мушт кўтарар” деган гап бор. Аввалги қўрққолларнинг муштини кўрдик. У бизга шикаст етказмади. Чунки бизнинг ҳимоямиз кучли. Ҳар қандай зарбага дош бера оламиз. Энди бизга кўтариладиган қўлни синдириш пайти келди. Ўз хатоларини тушуниб етмаган одамдан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Заллат ботқоқига ботганларни илдизи билан суғириб ташлаш керак. Ана шунда адолатли ҳукм бўлади. Ватан хоинларига бизнинг орамизда ўрин йўқ.

Ватандан ташқарида санғиб, писиб юрган кимсаларнинг бошқаларни ҳам гиж-гижлаб, ўз элига қурол кўтариши марджалининг иши эмас.

Suddagi o'ylar

Жўраевни яхши танишади. Бундан саккиз йил муқаддам вилоятда норасмий “Адолат” ташкилоти тузилган, бу ташкилот бутунлай юқоний эканлиги, унинг фаолияти зўравонлик ва қўрқитишдангина иборат бўлиб, қонунаригимизга бутунлай эзилгани тўғрисида биринчи бўлиб хайқирган мана шу инсон эди.

... Айни кунларда республика Олий судида 12 нафар ватанфурушлар устидан олиб борилаётган суд жараёнида кимнинг ким эканлиги тўла-тўқис аён бўлаёттир. Ватан ўғлонларининг жасур сиймолари ҳам, хоинлики ўзларига қасб қилиб олган оқимчиларнинг башаралари

тиб олиш, бировнинг ўйига бостириб қиришнинг мусулмончиликда гуноҳ қонунда эса жуда катта жиноят эканлигини билиб олиши учун киши неча ёшда бўлиши шарт? Бу нарсалар ёш танламай, инсоннинг ақли-онги шакллана бошлагандаёқ унга аён бўлса керак деган фикрдамм.

Келинг, аввалги куни судда гувоҳ тариқасида жавоб берган, ҳозир жазони ўтатиш муассасасида ўзига бериладиган 16 йиллик муддатни ўтаётган андижонлик Муроджон Ашуровнинг сўзларига қулоқ тутаюлик: — Мен Андижоннинг Жомеъ масжидида дин илминини кунг билан ўрганаёт-

ЮРТ ЎҒЛОНИ

Бугunning qahramonlari
Ғиждувонлик 25 ёшли лейтенант Гоғиржон Ражабов шу йил июль ойида Сурхондарёнинг тоғли қишлоқларида пайдо бўлган хоин террорчилар тўдасига қарши курашда мардларча ҳалок бўлди...

Диний экстремизм ёки ақиданарастлик деймишми, халқаро терроризм деймишми, умуман, ана шу ланатланган, қиёфасини ифодалашга лўғатимизда у қадав салбий бўёқли суз ҳам топилмаётган бу кўринишнинг қабих, жирканч кирдиқорларидан қалби чексиз газаб ва нафратга тўлиб кетмади кишининг!... Нафақат Ўзбекистон халқининг, бутун

ишга тақлиф қилишди. Чунки у самбо бўйича спорт устаси эди. Гоғиржон билим юртига ишга кирди, ўша ерда лейтенант унвонини олди. Ҳали ўйланмаган, яқинда тўйи бўлиши керак эди. — Бир ой олдун сингилсини турмушга узатганимизда болағим келиб кетган эди - дейди Гоғиржоннинг онаси Муҳаббат ая кўзларига ёш олаб. — Ҳалининг тўйини ҳам август ойига мўлжаллаб қўйган эдик. Билан юртимдаги бошлиқлари таътилга чиқармоқчи бўлишди, тўйининг ўтказиб ол деб, лекин Сурхондарё тоғларида душманлар пайдо бўлганини эшитганча, болам ўша ёққа юборишларини илтимос қилиб, таътилни рад этибди. Аввал ҳам Вобкент, Янгиобода воқеалари пайтида душманларга қарши жангларда қатнашганди. Юрағида уларга қарши қаҳр-ғазоби кучли эди. Уғлим юртимизни душмандан ҳимоя қиламан, деб ҳалок бўлди. Мен фарзанд доғида қуяётган, тўй урнига аза очиб ўтирган бўлсам ҳам ўғлим билан фахрланаман. Жонини эл-юрт учун қурбон қилган ўғилнинг онаси, ахир...

Бу сўзлар онанинг самимиюл хоҳорномасидур. Ана шундай оналар бор экан биз юртимизга қалқон фарзандлар вояга етарешишга қолган ишонч билан яшаймиш. Энди Гоғиржон Ражабов ҳақида унинг мактабига устоз, жисмоний тарбия ўқитувчиси Фозил Комилонинг сўзларига қулоқ тутайлик. — Уни ўз ўғлимдек яхши кўрар эдим. Синфда энг тиришқоқ, оққўнлиқ болалардан бири эди Гоғиржон, - дейди у. — Бешинчи синфдан бошлаб кураш тўғрисида қатнашиб келди. Мусобақаларда доим мактабимизга обрў келтирарди. Ун биринчи синфга ўтга-

Қаҳрамонлик атайлаб содир этилаётган ҳолиса эмас. У қутиманганда рўй беради. Бироқ ўзида ҳамма вақт шу нарсга тайёрликни, қолдиқини ҳис эта олиш, журъатли, иродали бўлиш керак. Гоғиржон уни қаҳрамон деб шарафлашлари ёки ўзлаан ном қолдириш учун ўлимга тик бормай, уни иймон-этиқоли, ҳаётга, ватанга бўлган чексиз муҳаббатини муайян вазиятда ўлимга рўба-рўй қилди. Муҳаббат ана шундай жон фишоллини тақозо этади.

Бу кунлар ҳам кўп утмай тарихга айланади. Халқ хотираси абадийдур. Халқ ўз қаҳрамонларини улуғлайди ва юртга ният қилганларга абаду-абад ланат ўқийди.

Гоғиржон Ражабовнинг Президентимиз Фармони билан ўлимдан кейин иккинчи даражали “Шон-шараф” ордени билан тақдирланиши ҳам унинг номини Ватанчимизнинг шонли тарихига муҳрлаб қўйди. Сурхондарё тоғларида эса ҳар йил баҳорда алвон лолалар юз очади. Улар Гоғиржон сингари ватан мустақиллиги учун қони тўкилган юрт ўғлонларни порлоқ хотирасини келажак авлодларга тақрор ва тақрор эслатаверадур.

САИД БУРҲОН

(“Прокуратура айбномаси”дан)

жўнанинг, Жума Хожиев қўлида тўрт ой жанговар тайёрларикдан ўтиб келинг”, деганида нега индамай ўша ёққа кетаверди экан? Бир нарсга ҳақида ҳам айтиб ўтиш керак: 16 февраль кунги портлатиларда ишлатилган тротиқ моддасини Тожикистондан, Жума Хожиев қўлидан айнан мана шу Муроджоннинг ҳамтовари, қаллақесарлик лагеридан бирга “илм оширган” Ҳабибулло Исмоилов олиб келган эди. Бу нарсга ҳам суд жараёнида аниқланди.

Демак, ушбу мулоҳазаларимиздан бир нарсга ойдек равшан бўлишти: гап ёшда эмас, бошда, тўғривоқ ақлда, инсоннинг тарбиясида, дунёбарошида экан. Кўп нарсани киши ўз юрағида нимани кўтариб юрибди: диниат мевасининг саховатли уруфини ёки хиёнат тиконининг ўткир тилларини — мана шу нарсаларга бориб тақалларкан.

ҚОДИРЖОН СОБИРОВ

ДҲИЁНАТ

ҳам... Юртсотларнинг баъзилари “Биз ёш эканмиз, бу ишларни билмай қилибми” деган сўзлар билан ўзларини оқламоқчи бўлишлар. Лекин оқин қорадан ажра-



ТОХИР СОДИҚОВ ТАНБЕХ ОЛАДИ... МИ?

Кўшиқсеварлар қалбидан жой олган ёш хонанда Тоҳир Содиков яқинда "Ниҳол" мукофоти соҳиблари қаторидан ўрин олди. Биз кўшиқчи ҳақида унинг устози, таниқли хонанда Даврон ҒОЙИПОВ билан суҳбатлашдик.

— Шогирднинг муваффақияти устозга олам-олам қувонч бағишлайди. Тоҳир Содиков сизга шогирд сифатида қандай шодликлар бера олган?

—Тоҳир-яхши бола. Уни инсон сифатида, санъаткор, мухлис сифатида қадрлайман. Тўқсонинчи йиллардан буён унга устозлик қилиб, оғасидек яқин бўлиб қолганман. Мана, бир қанча янги кўшиқлар яратиб, эл олқишига сазовор бўлди. Бу, мени, албатта, қувонтиради. Тоҳирнинг ҳаракатлари, ғайрат-шижоатида мен ўз ёшлигимни кўраман. Тантанали тадбирлардаги иштирокидан қувонаман. Шунча давр мобайнида у эришган ютуқлар, сазовор бўлган мукофот-

га жуда ўхшар экан. Чунки Тоҳир ҳам ҳаётда жуда интилувчан, ўз мақсадлари йўлида тинмай ҳаракат қилади.

— Тоҳир Содиков шогирд сифатида сиздан танбех олганми?

— Тоҳир "Устоз отангдек улуг" деган ҳикматга амал қилади. Шунинг учун бўлса керак, баъзан

иш юзасидан танбех олиб туради. Устознинг танбехи шогирд учун ўгит эканлигини яхши биледи.

Шоира ҲАСАН қизи "Туркистон" мухбири

лари унга берилган муносиб баҳо деб биламан.

—Тоҳир Содиковнинг театр ва кинодаги ижросига муносабатингиз?

—Унинг томирларида санъатга бўлган муҳаббат жўш уради. "Тоҳир ва Зухра" фильмидаги ижросидан хурсанд бўлдим. Фильмдаги қаҳрамоннинг табиати Тоҳирники.

Мактубларим

ИФОРЛИ КУНЛАР

"Беҳиғулдай ифорли" кунларининг бирида қўлимга Ойдин Ҳожиёвнинг икки китоби — "Паноҳим" ва "Кўзимнинг оқу қораси" тушиб қолди.

Қаттиқ беҳиғулнинг ифорларини, тонини "Шабнам" ларнинг "Таровот" ининг "Ишонч юдузлари"нинг "Паноҳ" идаги кўнглининг "Таъмал тошлари" ни "Бўзтўрай" ларнинг хаста "Наво" ларини яширган бу китоблар мени яна ўша ифорли кунларимга — болалигимга олиб кетдилар ва улар болалик оламига ўзгача бир ҳайрат, ихлос, меҳр туйғуларини олиб кирдилар. Мени ҳайратлар, ихлосу меҳрлар шoir қилиб тарбиялади. Мен бу янги азиз бўлган болалик ҳайратларимни ҳали ҳамон "Паноҳим" деб, "Кўзимнинг оқу қораси" -дек асраб-авайлагим келди.

Ўтган умрларим давомида мен кўп ҳайратларга дуч келдим, бироқ бу ҳайратларим ичида энг азиз, энг гўзали ўша беҳиғуллар ифорига фарқ бўлган

менинг болалик ҳайратимдир. Бу ҳайратлар мени сизнинг томон, сизнинг китобларингиз томон қадам ташламакка ундайди. Чунки менинг бу бокира ҳайратларимда ойдун дунёларда яшамок иштиғи, қадим Бухоронинг муаззам минорларида янграётган кутлуғ азонлар қалар покланмоқ орузи, юксалмоқ қатъияти бор эди.

Бугун маним ҳайратзор қалбим ҳайратларини-да саралашга қодир даражада мукаммаллашди. Лекин бу саралашнинг мақомидан сизнинг дилбар китобларингиз аъло даражада ўтиб келаётир. Сабабки, бу китоблар ўзининг беҳад самимийлиги, юрак томирларига туташлиги билан ҳар нечук мақоматларни энгмоққа қодирдир.

Бу ҳақиқатни сизнинг "Паноҳим" ва "Кўзимнинг оқу қораси" деб номланган китобларингизни ўқиб яна-

"САҲАР" САҲНАДА

Анвар болалигиданоқ кўшиққа меҳр кўйди. Бирдан бир орзуни катта саҳналарда ашула айтиш эди.

Анвар орзуга етиш йўлида тинмай изланди, гуруҳ ташкил қилиб, уни "Саҳар" деб номлади. Саҳнада у билан бирга куйлайдиган Бобурнинг ҳам овози ширари.

Айни пайтда гуруҳнинг "Ёмғир", "Ўша



сизми?", "Ўзга бир ишқ", "Ёлғизликда" кўшиқлари ёшлар қалбидан ўрин олган.

Qah-qah-a ҚУМРИНИСО (Кибри ва тағрир қизларга)

Кўзингиздан Қумринисо, Ўзингиздан Қумринисо. Ҳечам қулиб турмайдиган, Юзингиздан Қумринисо.

Менга вафо қилмади ҳеч, У ким, бир қиз алдамчи. Сенга вафо қилармиди Қумридайн ёлгончи. Мен Қумридан кечдим, ишон, Ёлгон эмас, рост сўзим, Қарамайман, дедим, унга Тушиб қоляпти кўзим.

Юзингиздан Қумринисо, Ўзингиздан Қумринисо. Қовоқ солиб қараб турган, Кўзингиздан Қумринисо.

Сен ҳам ундан кечгин дарров, Уни феълун биласан.

Айт, биронинг севганини Севиб нима қиласан?


Тўғри, ёзда Қумри билан Ўтаб келдинг таътилни. Лекин кеча "Ўтириш"да Ўпибди-ку Жалилни.

Юзингиздан Қумринисо, Ўзингиздан Қумринисо. Сизни севиб қолдим, деган Сўзингиздан Қумринисо.

Уйинг куйгур, анов Жалил, Қаердан ҳам келди-я. Мену сендан ҳам баттарроқ Равшан полвон куйди-я.

Полвони-ку, алдаб-сулдаб, Бир иложин қиламиз. Жалилга ҳам эрта бозор "Раҳмат" айтиб қўямиз.

Юзингиздан Қумринисо, Кўзингиздан Қумринисо.



"Вой-вой, Жалил акам", деган Сўзингиздан Қумринисо.

Ошна энди "жимиб" юрсин, Қумрихонга айтиб қўй. Уч-тўрт бозор ўтсин қани, Қилармиз-да бир кун тўй.

Кўй, ўйлама, қай биримиз Қумрихонсиз қоламиз. Ошна кўрқма, Қумрихонни Ё сен, ё мен оламиз. **Жамшид ТОШҚУЛОВ, талаба**

ҚАММАЛА

МУХЛИСЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ



Соҳибжон Тоҳиров мухлислари қалбига йўл топаётган ёш хонандалардан. 1999 йил Тошкент Давлат

консерваториясини тугатгач, санъат йўлидаги фаолиятини бошлади. У болалигиданоқ республикада ўтказилган кўплаб санъат байрамларида қатнашган.

Хонанданинг "Муҳаббат", "Ўзбекистоним", "Она-юрт таронаси" каби кўшиқлари ҳам мухлислар назаридан четда қолгани йўқ.

да қаттиқроқ ҳис этдим. Чунки, юракка "ишқнинг намози"ларида покланмоқ ниятини солаётган, ишқ сураларидан бизга сабоқ бераётган шеърят ҳамиша гўзал ва баланд мақомлидир.

Бу саодатли кунлар ичинда биз "қилчлар даминда кечган кунларимиз" ёдини унутмаёғимиз.

Бу шеърлар овози мени уйғонмакка, уйғониб қалам тутмакка ундади. Улар менга, қалбингга Ватан ишқи, овоздик сурурини сол, дедилар. Мен ик бор Ватанга бўлган ажиб муҳаббатни шу шеърлар руҳида туйдим.

Онамдай кўзимга боғиб тур, Ватан.

Санобар МЕҲМОНОВА



МАҚДУР

Сирларга бой бўлган азим дунёда, Ўз тақдирин куриб боради инсон. Бахтли лаҳзаларни орзу қилганда, Унинг кўзларида кулади жаҳон. Бу инсон қалбига баҳорлар келар, Гулларга бурканган наҳорлар келар.

Muhabbat bekati

чиликларини кўрмаган мушдек юраги "севги" деган олий туйғунинг нима эканлигини тушу-

галларим учун мендан хафа бўлманг. Гўзалдаги ҳаяжон борган сари кучайиб бо-

КУТИЛМАГАН БАХТСИЗЛИК

Дарслар тугаб, мактаб ҳовлиси ўқувчилар билан гавжумлашди. Улар орасида дугоналари билан қўшилганча чиройли бир қиз ҳам чиқиб келди.

Гўзал... Агар бу сўз унинг исми бўлганда эди, қаҳрамонимизга берилган энг содда таърифлардан бири деб ҳисоблашганимиз мумкин бўларди. Гўзал дугоналари билан хайрлашиб, уйига қараб йўл олди. У уйчан борарди. Хаёлини бугун мактабда бўлиб ўтган кўнглисизроқ бир воқеа банд қилганди. Катта танаффусда Аскар исмли синфдоши сира қутилмаганда унга севги изҳор қилганди.

"Ишқилиб бу гап овоза бўлиб кетмасинда", деб ўйларди Гўзал секин-секин одимлаганча. Мана, ўқиш бошлаганидан бери ўтган бир ярим ой ичида учинчи бола шундай маънода гапирди. У эса ҳаммасини рад этди.

Катта кўчадан тинмай ғизиллаб машиналар ўтиб турибди. Бир-бири билан умуман иши йўқ одамлар ҳамон ўшандай шовшган. Гўзал эса уйчан кетиб борарди. Уни ҳали ҳаёт қийин-

нолмай қийналарди. Шу пайт бирдан ўз исмини эшитиб тўхтади. Не кўз билан кўрсинки, қаршида ҳаловатини йўқотишга сабаб бўлган, кечалари ҳаёлини олган Илҳом турарди.

— Ҳа, Гўзал, намунча уч марта қақирсам ҳам тўхтамадингиз? — Узр, ашитмабман, - деди ўзини биров йўқотиб Гўзал. Шундагина у хаёл билан бўлиб мактаби у ёқда турсин, ҳатто уйдан ҳам анча узоқлашиб кетганини пайқайди.

— Гўзал, сизда муҳим гапим бор эди, - деди Илҳом сал хижолатли оҳангда. — Майли, - деди Гўзал нима деб жавоб беришини билмай. У ҳалиям ҳаяжонланарди.

— Юринг, сал четроққа ўтайлик. Йўлинг устида туриб қолибмиз, -шундай дея Илҳом уни чеккароқдаги ўриндиққа бошлади. Гўзал эса худди сеҳрлангандай унинг ортидан эргашди.

Уриндиққа ўтиришгач, Илҳом секин гап бошлади: — Биласизми, мен бу гапни икки-уч кундан бери айтмоқчи бўлиб юргандим. Лекин, тўғри-си, уялдим. Илтмос,

Юзлари қизарганча, беихтиёр қарши-сидаги севики инсонига тикилиб қолганди. Хаёлидан эса фақат бир гап такрорланарди: "Наҳотки?! Наҳотки мен ҳам ўз орзуларимга эришсам! Эй, Оллоҳи! Кечалари қилган илтиможларим Сенга етиб бордимми?!"

Шунда Илҳомнинг нигоҳи Гўзалнинг севги билан тўлган кўзларига тушди. У Гўзалнинг илтижи билан боқиб турган тим қора кўзларини кўриб, бирдан бўшашиб кетди ва кўзларини олиб қочди.

— Гўзал, сиздан бир илтимосим бор. Ҳозир мен бир жойга кўнғирок қиламанда, у ердан сиз Лола деган қизни қақириб берасиз.

— Сизга нима бўлди, Гўзал? -деб сўради. Гўзал эса жавоб бериш ўрнига отилиб туриб кетди. Илҳом бунга дастлаб тушуна олмади ва:

— Сизга нима бўлди, Гўзал? -деб сўради. Гўзал эса жавоб бериш ўрнига отилиб туриб кетди. Илҳом эсанкираб қолди.

Бошқа ўриндиқларда суҳбатлашиб ўтирганлар ҳам, шовшанча у ёқдан бу ёққа ўтаётган одамлар ҳам ўзини йиғидан тўхтатолмай югуриб кетаётган Гўзалга ҳайрон қараб қўйишарди...

Ботиржон ҒОФУРОВ, талаба

ОЛМА БИЛАН СУҲБАТЛАШДИМ

Яқинда "Туркистон" газетасининг топшириғи билан

ёзувчилар боғига отландим. "Дўрмон" деганим Тошкентнинг бир чеккасида экан. Бўйнимга юклатилган вазифани

бажариш учун уфқда Саид Аҳмаднинг излаб топдим. Кўнглимни аллақандай ҳислар эгаллади. Саид

Аҳмад... буюк ёзувчи билан суҳбатлашиш қандай бўларкин...

Лекин докларнинг мазаси йўқ эканим..., ишқилиб суҳбатлашиш имкони бўлмади.

... Шунча вақтимга ачиндим. Чунки мен ўқишни ташлаб, "суҳбат"га кетган эдимда. Эшикни аста ёпиб

кетаётгандим, боғ ичидаги олмаларга кўзим тушди. "Гаплашмасанг мен ҳам сен-ла гаплашмайман" дедим-да, ала-

мига олмалардан сумкамни тўлдириб олдим. Кетганимча олмани еб, улар билан суҳбатлашиб кетдим.

Бахтимизга Саид Аҳмад домла соғсаломат бўлсинлар.

Мулла ЖАМШИД


Қизимиз СЕВИНЧИ!
Сени илқ баҳоринг билан чин дилдан табриқлайми. Сенга узок уюр, бахт-саодат тилаб, ҳамиша қулиб туришингни тилаб

Ойжонинг ФЕРУЗА
ҳамда дадаи **БАҲОДИР**

Хурматли аяжоним ТУРДИГУЛ она!
Сизни муборак 50 ёшингиз билан чин кўнглидан табриқлайми. Бахтимизга соғомон бўлиб юришингизни "Оллоҳдан сўраб ўғайнингиз"

НУРХОН

БОШҚОТИРМА



1. Гилосга ўхшаш мева. 2. "Келин салом" сериалида бош роллардан бирини ижро этган актриса. 3. Гулларнинг сараси. 4. Онанинг сингласи. 5. Узунлик ўлчов бирлиги. 6. Уғил бола исми. 7. Бошимга бопган ... бўлдинг. 8. Хавфли, юкмука касаллик. 9. Ваъда ...си билан. 10. Ранг. 11. Муҳаббат оғуси. 12. Қиз боланинг исми. 13. Рузгор буюми.

Тузувчи: Саидқабр МАННОНОВ

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 25 октябрь сонидан эълон қилинган бошқотирма жавоблари

ЭНИГА: 1. Арваз. 2. Эшак. 3. Мезон. 4. Маориф. 5. Аршон. 6. Нухат. 7. Малҳам. 8. Навруз. 9. Дайди. 10. Даромат. 11. Арктика. 12. Атлас. 13. Агамма. 14. Арвак. 15. Аршон. 16. Мухлат. 17. Мухлат. 18. Литраж. 19. Малик. 20. Тамга. 21. Авар. 22. Баёт.

Туркистон
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАНГАРМАСИ

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ
Тахрир хайъати: Комил ЮСУПОВ, Ғайрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Насриддин МУХАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Фаффор ХОТАМОВ

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Муҳбирлар 133-95-97
Хатлар бўлими 133-79-69

Навбатчи муҳаррир: Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ
Тахририятта юборилган материаллар қабул қилинмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Буюртма Ғ. — 1010.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Рўқбатдан ўтиш тартиби № 00012.
Офис уюлида босилган.
Кўзга бичими А-2.
Босишга топшириш вақти-20.00
Топширилди-
1 2 3 4 5 6